



e-ISSN:2582-7219



# INTERNATIONAL JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH IN SCIENCE, ENGINEERING AND TECHNOLOGY

Volume 5, Issue 5, May 2022



INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER  
INDIA

Impact Factor: 7.54



6381 907 438



6381 907 438



ijmrset@gmail.com



www.ijmrset.com



# The Role of Mass Media in the Formation of Patriotic Senses in Students

Sultonova Shaxnoza Saydullaevna<sup>1</sup>

Master of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region, Uzbekistan<sup>1</sup>

**ABSTRACT:** This article is devoted to the influence of the media on the formation of a sense of patriotism in students. the article discusses the impact of the media on the minds and memories, worldviews and behaviors of adolescents.

**KEYWORDS:** development, vatag, information, youth, education, propaganda, correction.

## РОЛЬ СМИ В ФОРМИРОВАНИИ ПАТРИОТИЧЕСКИХ ЧУВСТВ У СТУДЕНТОВ

Султонова Шахноза Сайдуллаевна<sup>1</sup>

Магистр Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области<sup>1</sup>

**АННОТАЦИЯ:** Данная статья посвящена влиянию средств массовой информации на формирование чувства патриотизма у студентов. В статье рассматривается влияние СМИ на сознание и память, мировоззрение и поведение подростков.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** развитие, родина, информация, молодежь, воспитание, пропаганда, исправление.

## ЎҚУВЧИЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУЛРИНИ ШАККЛАНИШИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Султонова Шахноза Сайдуллаевна<sup>1</sup>

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти магистранти<sup>1</sup>

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақола ўқувчиларда ватанпарварлик туйғулурини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг таъсирига бағишланган. Мақолада ўсмир ёшлар онги ва хотирасига, дунёқараши ва ўзини тутишларига оммавий ахборот воситаларининг таъсири ҳақида фикрлар баён қилинган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** таракқиёт, ватан, ахборот, ёшлар, таълим, ташвиқот, коррекция.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари кўпчилик инсонлар учун асосий ахборот манбаи вазиқасини бажармоқда. Бу билан эса, улар жамоат фикрини бошқара оладиган қуролга айланишлари мумкин. Оммавий ахборот воситалари жамиятнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатишга қодир.

Ёшлар интернет воситасидан маълумот ахтариш, янги дўстлар орттириш, вақтичоғлик қилиш, ким биландир суҳбатлашиш ва бошқа мақсадларда фойдаланмоқдалар. Янги информацияларга қизиқишларининг ортиб бориши, қолаверса, таракқиётнинг тезлашуви натижасида юкори сифатли мобил телефонлари ҳамда шахсий компьютерларга эга бўлган ёшлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Улар интернет тизимидан фойдаланишлари давомидида интеллектуал салоҳиятларини юксалтириб бормоқдалар, лекин ёшларнинг интернет тизимидан олаётган маълумотлари сифати, моҳияти, салбий ёки ижобий мазмунга эга эканлигини тўлиқ назорат қилиш масаласи ҳозирги кунда отаоналар, устоз-мураббийлар ва ёшлар тарбиясига мутасадди инсонлар олдида муаммо бўлиб қолмоқда. Баъзи ҳолларда ота-оналар фарзандларини интернетдан илм олиш мақсадида фойдаланади, деган фикрда бўлсалар, аксарият ҳолларда фарзандларнинг компьютер технологияларини отаоналаридан кўра мукамалроқ билишлари, қолаверса, шахсий компьютерларга химоя воситаси бўлган филтрлаш дастурлари ўрнатилмаганлиги ёшлар тарбиясига салбий таъсир этувчи ҳолатларни келтириб чиқармоқда.



Жумладан, ўсмирлар, айрим ҳолатларда мустақил равишда интернетдан фойдаланиш учун танқидий фикрлаш, маълумотларни фарқлаш, “филтрлаш” қобилятига эга эмаслиги, яъни ахборот маданияти, инфорацион иммунитетни шаклланмаганлиги натижасида ёшлар интернет орқали ташқи таъқиб, яъни грифинг ҳолатларига учрамоқда.

Мутахассислар фикрича, замонавий ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, грифёрлар махсус суҳбатлар орқали ёшлар онгини, тафаккурини заҳарламоқда, натижада кўпгина ўсмирлар интернет тармоқлари безориларининг беихтиёр қурбонига айланиб, турли хил жиноятларга қўл урмоқдалар, жамият ҳаёти ва тараққиётдан четда қолган лоқайд шахслар сифатида экстремистик, террористик руҳдаги ёт оқимлар, деструктивкулт ташкилотларнинг таъсирига ҳам тушиб қолмоқдалар. Беҳаё фильмларни кўришлари натижасида ёшларда ноҳўя руҳий-физиологик ҳолатлар ва уларнинг салбий оқибатлари кузатилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг ватанпарварлик тарбияси жараёнидаги ўрнини бир ёқлама баҳолаб бўлмайди. Оммавий ахборот воситаларида ватанпарварликни хотира кўринишида, атрофдаги инсонларга эътибор кўринишида, шахсий жавобгарлик кўринишида, юрт қаҳрамонларига нисбатан, ўз Ватанига, халқига нисбатан фахр кўринишида ёритиш анъанаси асосий ҳисобланади [3].

Ўсмир-ёшларимизнинг ватанпарварлик онгини мустақкамлаш учун оммавий ахборот воситалари қуйидаги йўналишдаги ахборот циклларини ташкил этишлари мақсадга мувофиқ бўлади:

- мамлакатимизнинг ривожланишига оид бўлган турли даврларни, воқеа ва ҳодисаларни қаҳрамонлик даражасига кўтариш, ватанпарварлик руҳи билан бойитиш;

- кундалик ҳаётимиздаги қаҳрамонларни излаш ва уларни кўпчилиқка танитиш; буюқ ва ватанпарвар деб тан олинган шахсларнинг инсонийлик чизгиларини ёритишни кенгайтириш. Бунда аниқ аудиторияни назарда тутиш муҳим.

- ёшларимиз ўзларининг тарихлари билан фахрланишлари, ўзларини ватанпарвар деб ҳисоблашлари ўзига, балки давлат учун ҳам меҳнат қилиш кераклиги, юртига хизмат қилиш муқаддас бурч эканлиги, жамоат ишларида фаол қатнашиш зарурлиги оммавий ахборот воситаларида янада кенгроқ ташвиқот қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Оммавий ахборот воситалари ватанпарварлик ғояларини шакллантиришга, уларни ривожлантиришга ва ёшларимиз орасида янгиланган ва қайта тикланган ватанпарварлик туйғуларини яратишнинг ижтимоий психологик омилларидан бирини ташкил этади [2].

Ёшларимизнинг ватанпарварлик қадриятларини шакллантириш учун оммавий ахборот воситалари қуйидаги йўналишдаги ахборотларни ёритишга эътибор беришлари зарур:

- мамлакатимизнинг ривожланишига оид бўлган турли даврларни, воқеа ва ҳодисаларни қаҳрамонлик даражасига кўтариш,

- ватанпарварлик руҳи билан бойитиш; кундалик ҳаётимиздаги қаҳрамонларни излаш ва уларни кўпчилиқка танитиш; буюқ ва ватанпарвар деб тан олинган шахсларнинг инсонийлик чизгиларини ёритишни кенгайтириш.

- Ёшларимиз ўзларининг тарихлари билан фахрландилар, ўзларини ватанпарвар деб ҳисоблайдилар, ватан ҳимоячилари кунини, Хотира ва қадриятлар кунини фаол нишонлайдилар. Агар нафақат ўзига, балки давлат учун ҳам меҳнат қилиш кераклиги, юртига хизмат қилиш муқаддас бурч эканлиги, жамоат ишларида фаол қатнашиш зарурлиги оммавий ахборот воситаларида янада кенгроқ ташвиқот қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Оммавий ахборот воситалари ватанпарварлик ғояларини шакллантириш, уларни ривожлантириш, ёшларимиз орасида тарғиб қилиш давлатимиз томонидан олиб бориладиган

деморатик исхотлар сиёсати билан чамбарчас боғлиқ.

Маънавий–психологик-педагогик ташвиқот, тарбиявий коррекцион тадбирларнинг муҳим бир шакли бўлиб, унинг вазифаси оммавий ахборот воситалари аудиторияси орасида маълум ижтимоий фикрни шакллантиришдан иборат Ташвиқот ишларининг олиб борилишида қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратиш зарур:

- Биринчидан ахборот манбаи яхши маълум, ахборотнинг ўзи эса берилган ходиса ва фактларга мос келиши

- Иккинчидан ахборот манбаи аниқ кўрсатилмайди, ахборотнинг мазмуни эса текширувни ва унга танқидий қарашни талаб қилади.

- Учинчидан кўриниши ахборот манбаини яширади, ёки манба умуман бўлмадлиги мумкин, ахборот эса ёлғондан, тўқилган фактлардан иборат, тушунчалар алмаштириб берилади.

Юртимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни бузишга қаратилган ахборот хуружлари авж олаётган бир пайтда ўсмир-ёшларда ватанпарварлик қадриятларини шакллантириб боришдек мураккаб ва ўта





маҳсулиятли вазифаларни бажариш орқали Ватанга, миллатга муносиб хизмат қила оладиган етук шахслар шахслар шаклланади [4].

Агарки, биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатҳият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетиши, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва машулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини истисно қила олмаймиз.

Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий кадриятларимиз ва умуминсоний кадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғиб-ташвиқ қилинади..

Ўсмирларда мустақил фикрлаш лаёқатини шакллантириш, лоқайдлик, иродасизлик хусусиятларини бартарф этиш орқали ижтимоий фаолликни қарор топтиришда оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий психологик аҳамияти улқандир.

Ўсмирларда шахсий манфаатларини жамоа манфаатидан юқори қўймаслик, жамият ва миллат олдидаги инсоний бурчларини тўлақонли англашлари, оила, халқ бахт-саодати ҳамда юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилишга интилишлари эришиш учун психологик ва педагогик тарғибот ташвиқот ишларини олиб бориш.

Бош ғояси маиший муаммолардангина иборат бўлиб, ғоявий савияси ва ижро маҳорати паст бўлган мусиқа ва кино санҳати намуналарининг оммавий ахборот воситалари саҳифаларидан ўрин олишига нисбатан жамоатчилик мутахассислар, психологлар таъсирини ўтказиш, шу билан бирга газета ва журналларда имкони борича кўпроқ ижтимоий онг ва шахс дунёқарашини бойитиш давр талабига айлани бормоқда.

Ўсмирларда ватанпарварлик кадриятларини шакллантиришнинг психологик-педагогик ва фалсафий жиҳатларини яхлит ҳолда ўрганилишига эришиш, мазкур жараёни ташкил этишнинг самарали йўллари, омиллари ва воситаларини етарли даражада ўрганиш

Ўсмирларда ватанпарварлик кадриятларини шакллантириш жараёнида оммавий ахборот воситалари хизматидан самарали фойдаланиш ва уларнинг ролини ошириш, ана шу мақсадда оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориладигна психологик тарғибот ва ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйишда ижтимоий-психологик усул ва воситалардан фойдаланишга эришиш улан тарбиявий таъсир кучига эга эканлиги амалиётда ўз исботини топмоқда

Демак, ўсмирларда ватанпарварлик кадриятларига эга бўлишларини таъминлашда ва бу жараёни яхлит ташкил этиш, унда ҳар бир самарали омилдан мақсадли фойдаланиш, имкониятларни кўра олиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

## REFERENCES

1. Barakaevich, K. S. (2020). Improvement of Vocational Training of Pupils in Secondary Schools. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(1).
2. Qoraev, S. (2016). Specific features of interdisciplinary coherence and interoperability. "Education, Science and Innovation," 2 (2), 45-50.
3. Қораев, С. (2016). Фанлараро узвийлик ва узаро алоқани таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари. "Таълим, фан ва инновация", 2(2), 45- 50.
4. Elmurzaeva, N. K., & Qorayev, S. B. (2021). Pedagogical Requirements for the Organization of the Educational Process in Specialized State Educational Institutions. *Psychology and Education Journal*, 58(1), 1078-1084.
5. Қораев, С. Б. (2020). Професионал таълимда ўқув амалиётларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (3), 1281-1286.
6. Barakayevich, Q. S., & Baxtiyorovna, A. S. (2021). Xalqaro dastur talabalari asosida innovatsion ta'lim muhitini yaratish. *Integration of science, education and practice. scientific-methodical journal*, 1(02), 132-137.
7. Adbujalilova, S. A., & Koraev, S. B. (2020). Талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришда педагогик технологияларнинг ўрни. *Academic research in educational sciences*, (4).
8. Караев, С. Б. (2018). Современные пути совершенствования учебнопроизводственных комплексов, специализированных на профессиональной подготовке учащихся. In *Психология и педагогика на современном этапе* (pp. 30-36).
9. Қораев, С. Б., & Жолдасов, И. С. (2021). Касб-хунар мактаблари фаолиятини амалий машғулотлар самарадорлигини ошириш орқали такомиллаштириш масалалари. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
10. Tilakova, M., & Qoraev, S. (2020). Recommendations for students 'creative ability development. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (4), 184-189.



11. Abdujalilova, S. A., & Qorayev, S. B. (2020). The Role Of Pedagogical Technologies In The Formation Of Students' Scientific Outlook. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(03), 2020.
12. Тилакова, М., & Қораев, С. (2020). Ўқувчилар креативлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича тавсиялар. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (4), 184-189.
13. Қораев, С. Б. (2016). Фанларни ўқитишда табақалаштирилган таълим технологиясини жорий этиш масалалари. *Таълим технологиялари*, 2, 45-50
14. Qorayev, S. B., & Janbayeva, M. S. (2021). Boshlang'ich sinf o'qish darslarida sinfdan tashqari ishlarni tashkil etish. *academic research in educational sciences*, 2(4), 149-153.
15. Qorayev, S. B., & Allayorova, S. B. (2021). Boshlang'ich sinf o'quvchilarini pirls xalqaro baholash dasturi tizimiga tayyorlash jarayonini takomillashtirish masalalari. *Academic research in educational sciences*, 2(2), 443-448.
16. Қораев, С. Б. (2018). Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этишнинг долзарблиги. *Таълим, фан ва инновация*, 4, 28-31.
17. Мухамедов, Г. И., & Қораев, С. Б. (2019). Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуа машғулотларини олиб боришда педагогмухандисларнинг касбий функцияларини ошириш тамойиллари. *Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў*, 2, 71-74.
18. Қораев, С. Б. (2020). Професионал таълимда ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш йўллари. *Ўзлуксиз таълим*, 1, 88-92.
19. Қораев, С. Б. (2021). Професионал таълимда касбий амалий машғулотлар мазмуни ва уни такомиллаштириш йўллари. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 1573-1581.





**INNO SPACE**  
SJIF Scientific Journal Impact Factor  
Impact Factor  
7.54

**ISSN**

INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER  
INDIA



# INTERNATIONAL JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH IN SCIENCE, ENGINEERING AND TECHNOLOGY

| Mobile No: +91-6381907438 | Whatsapp: +91-6381907438 | [ijmrset@gmail.com](mailto:ijmrset@gmail.com) |

[www.ijmrset.com](http://www.ijmrset.com)